



Халқ сўзи

2026 йил — МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2026 йил 13 январь, № 7 (9178)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



НЕФТЬ-ГАЗ СОҲАСИНИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ҚИЛИШ ВА ГАЗ ҚАЗИБ ОЛИШ ҲАЖМИНИ ОШИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР

Президент Шавкат Мирзиёев
12 январь куни «Ўзбекнефтегаз»
акциядорлик жамияти
фаолиятининг келгусидаги
вазифалари ва режалари юзасидан
тақдирот билан танишди.

Энергетик хавфсизлиكنи таъминлаш ва иқтисодиёт тармоқларига энергия ресурсларини узлуксиз етказиб бериш мамлакат тараққиётининг муҳим омилларидан ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, газ соҳасида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, замонавий технологияларни кенг жорий этиш ва геология-қидирув ишларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тақдиротда «Ўзбекнефтегаз» акциядорлик жамияти олдида турган энг асосий вазифа табиий газ захираларини ошириш ва қазиб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш экани қайд этилди. Компания кунлик газ қазиб чиқариш ҳажминин 66 миллион кубометрдан 70 миллион кубометрга кўпайтириш, бу йил камид 25,4 миллиард кубометр газ қазиб чиқариш чораларини кўриши зарурлиги таъкидланди.

Мавжуд имкониятларни ишга солиш бўйича тақдиротлар кўриб чиқилди.

Газ захираларини ўстириш учун янги истикболли инвестиция блокларини шакллантириш, инвесторларга берилган айрим майдонларда эса ишларни жадаллаштириш ва самарадорлигини ошириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Нафта ишлаб чиқариш ҳозирда қувватнинг 70 фоизида амалга ошириляётгани, махсулот эса 50 фоиз арзон нархларда экспорт қилинаётгани кўрсатиб ўтилди. Нафтадан полимер махсулотлари ишлаб чиқарилса, қўшилган қийматни 6 карра ошириш имконияти борлигини ҳисобга олиб, мавжуд қувватларни тўлиқ ишлатиш чораларини кўриш топширилди.

«Ўзбекнефтегаз»нинг молиявий ҳолатини яхшилаш чоратadbирлари ҳам кўриб чиқилди.

Йиғилишда нефть-газ соҳасида ўғрилиқ ва коррупция ҳолатларига қарши курашиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Соҳадаги коррупцион хавфларнинг олдини олиш мақсадида «Ўзбекнефтегаз» тузилмасида раиснинг алоҳида ўринбосари лавозими киритилиб, компаенс ва коррупцияга қарши ички назорат хизмати ташкил этилди. Тизимдаги ҳар қандай ноқонуний ҳолатни тезкор аниқлаш ва олдини олиш бўйича самарали тизим яратиш вазифаси қўйилди.

Президентимиз нефть-газ соҳасида трансформацияни чуқурлаштириш, газ захирали ва қазиб олиш ҳажмларини ошириш, молиявий интизомни кучайтириш юзасидан мутасаддиларга тегишли топшириқлар берди.

ЎЗА.

Тадбир

МИЛЛИЙ АРМИЯМИЗ – ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИК КАФОЛАТИ

14 январь — Ватан ҳимоячилари куни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил топганининг 34 йиллиги муносабати билан Олий Мажлис Сенатида семинар ўтказилди.

Уни Сенатнинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Қутбиддин Бурҳонов очар экан, Президент Шавкат Мирзиёев Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасида юртимизда тинчлик ва барқарорлиқни, миллатлар ҳамда динлараро дўстлик ва аҳилликни янада мустаҳкамлаш, Қуролли Кучларнинг жанговар салоҳиятини ошириш учун барча зарур чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича белгилаб берган вазифаларга эътибор қаратди.

Тадбирда сўзга чиққанлар кейинги йилларда мамлакатимизда олиб бориляётган кенг кўламли ислохотлар туфайли Қуролли Кучлар давлат мустақиллиги, чегараларнинг дахлсизлиги, халқимизнинг тинч-осойишта ҳаётини таъминлашнинг чинакам кафолатига айланиб бораётганини таъкидлади.

Ҳарбий хизматчиларнинг жанговар ва маънавий тайёргарлиги узлуксиз ошиб бормоқда. Миллий армиямиз ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда мардлик ва шон-шараф мактабига айланмоқда. Энг муҳими, халқ билан армия муштараклиги ҳарбий соҳа ривожига янгича куч ва сифат бағишламоқда.

Сенаторлар миллий армиямизнинг юртимиз тинчлиги, мустақиллиги ва хавфсизлигини таъминлашдаги ўрни ҳамда замонавий хавф-хатарлар шароитида олий қонун чиқарувчи органнинг ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш борасидаги масъулиятини ҳам алоҳида қайд этди.

Шунингдек, ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар хотирасига ва Иккинчи жаҳон уруши йилларида фашизмга қарши курашишда қатнашган ватандошларимизнинг ўлмас жасоратига чуқур ҳурмат-эҳтиром кўрсатилди.

«Халқ сўзи».



Тараққиёт одимлари

ЯНГИ ТОШКЕНТ

МУҲТАШАМ, ИННОВАЦИОН, «ЯШИЛ» ШАҲАР БЎЛАДИ

Давлатимиз раҳбари бундан тўққиз йил муқаддам «Янги Ўзбекистонни албатта биргаликда бунёд этамиз» деганида, кўпчилик бунинг моҳиятини, кўламини тўла англамаган бўлса-да, қалблари ёришиб, ҳаёти, турмуш тарзи, орзулари рўёбида янги имкониятлар, қулай шарт-шароитлар яратилишини кутгани рост.

Ўтган йиллар шуни кўрсатдики, Президентимиз Шавкат Мирзиёев янги давлат ва жамият қурилиши ҳақида гапирганда нафақат сурат, балки сийрат янги-лаштирилган назарда тутган. Бунинг инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни ва қадр-қиммати олий қадрият ҳисобланадиган инсонпарвар демократик давлат бунёд этиш, халқимизнинг турмуши тўқислигини таъминлаш, жаҳон майдонида ўз ўрнига эга бўлиш, одамлар тафаккурини янгилаш, умуман, барча жабҳада олиб бориляётган туб ўзгаришлар яққол кўрсатиб турибди.

Бугун юртдошларимиз микёси ва шиддати жиҳатидан мисли кўрилмаган бунёдкорликлар ичра яшамоқда. Ота-боболари-

мизнинг асрий орзу-маслаги — эмин-эркин, обод ва фаровон давлатни барпо этишдек улуг ният рўёбига ҳисса қўшишга интилмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан бошланган Янги Тошкент лойиҳаси ана шундай мақсад-муддаоларнинг амалий ифодаси сифатида ҳаётга кўчмоқда.

Бир неча муаммоларга комплекс ечим

Давлат тараққиётини янги босқичга кўтариш тўғрисида гап кетар экан, бу муҳим жараён кундалиқ эҳтиёжларга ечим топиш билангина ҳал бўлмаслиги кундек равшан. Ҳар бир масалага инновацион

ёндашув, ақлли келажакни шакллантириш тарихий эврилишларнинг бош омилига айланиши керак. Бугунги Ўзбекистон ана шундай тамойил асосида қадам ташламоқда. Бу, аввало, пойтахт Тошкентнинг тубдан янгилашни ва трансформациясида яққол намоён бўлмоқда.

Тошкент фақат пойтахт эмас, у мамлакатимизнинг юраги, иқтисодий, демографик ва интеллектуал салоҳият жамланган, ғоялар ва инсон капитали шаклланадиган стратегик марказдир. Сўнгги йилларда шаҳар аҳолисининг кескин ўсиши, ижтимоий инфратузилманинг ўзгариши ва урбанизация жараёнларининг жадаллашуви Тошкент олдига янги талаб ва вазифаларни ҳам қўймоқда. Шаҳар ўтмиш меросини сақлаган ҳолда, келажакка интилувчи жозиба манзилга айланиб борапти.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: эртанги Тошкент қандай бўлиши керак? Бу

саволга Янги Тошкент лойиҳаси муносиб жавобдир. Бу улкан лойиҳа давлатимизнинг шаҳарсозлик сиёсатида мутлақо янги ёндашувни намоён этмоқда. Албатта, бу узоқни кўзлаб, пухта ўйланган, келажакни олдиндан режалаштиришга асосланган стратегик қарордир. Энг муҳими, Янги Тошкент ғоясининг марказида инсон манфаати туради. «Шаҳар инсон учун» деган тамойил бу лойиҳанинг асосий фалсафаси ҳисобланади. Режалаштириш, транспорт тизими, экология, ижтимоий инфратузилма — барчаси инсон учун қулай, хавфсиз ва сифатли ҳаёт муҳитини яратишга хизмат қилади. Бу ерда қулайликка имтиёз эмас, балки умумий стандарт сифатида қаралади.

Лойиҳанинг давлатимиз раҳбари томонидан шахсан назорат қилиниши ва доимий эътибор марказида экани алоҳида аҳамиятга эга.



14 январь — Ватан ҳимоячилари куни

МАМЛАКАТ ТАЯНЧИ, ХАЛҚИМИЗ ФАХРИ

Ватан ҳимояси — бу шарафли ва масъулиятли бурч. Аждодларимиз асрлар давомида юрт озодлиги йўлида курашиб, жасорат ва фидойиликнинг ёрқин намунасини кўрсатган. Бугунги кунда эса уларнинг муносиб давомчилари бўлган ҳарбийларимиз замонавий билим ва техника билан қуролланиб, мамлакатимиз хавфсизлигини таъминламоқда.



Ҳар бир давлатнинг мустақил ва мустаҳкам бўлишига хизмат қиладиган омиллар ичида ҳарбийларнинг, хусусан, армиянинг ўрни бекиёс. Шу боис сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондонини Шавкат Мирзиёев бошчилигида армиямиз доимий равишда ислоҳ этилиб, замон талабларига мос равишда ривожлантириляпти. Ҳарбий хизматчиларимизнинг жисмоний ва маънавий тайёргарлигига алоҳида эътибор қаратилиб, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш устувор вазифага айланган. Бу эса келажакда Ватанимиз янада мустаҳкам ва қудратли бўлишининг гаровидир.

Бу ўзгаришлар Қуролли Кучларимизни замонавий талаблар асосида ривожлантириш, уларнинг жанговар шайлигини ошириш ҳамда мустақиллигимиз ва ҳудудий яхлитлигимизни ишончли ҳимоя қилишга қаратилгани билан алоҳида аҳамият касб этади.

Ўтган давр мобайнида жанговар тайёргарлик дастурлари замонавий талаблар асосида ишлаб чиқилиб, 11 та модулли тизим жорий этилди. Ўндан ортиқ замонавий жанговар ҳаракат усуллари тайёрланди ҳамда ўқув дастурларига интеграция қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 29 июлдаги қарорига асосан Қуролли Кучлар Академияси ислоҳ қилиниб, унинг негизига Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий хавфсизлик ва мудофаа университети ташкил этилди.

Она заминимиз кейинги минг йилликда икки Ренессанснинг бешиги бўлганлиги бежиз эмас. Чунки ота-боболаримиз ҳар бир соҳанинг ривожига илмнинг қудратига таянган. Ана шу боис тиббиётдан тортиб фалакитгача, аниқ фанлардан тортиб ҳарбий соҳаларгача дунёга ўрнатилган бўлганимиз айна ҳақиқат. Бугунги кунда юртимизда Қуролли Кучлар салоҳиятини оширишда ҳам ҳарбийларнинг илму маърифатига эътибор

қаратиляётгани муваффақиятлар асоси бўлмоқда.

Ушбу университетнинг ташкил этилгани эса ана шу стратегик қадамнинг амалий ифодаси бўлди.

Мазкур олий ўқув даргоҳи 5 та институт, 4 та факультет, 6 та округ ўқув факультети, 19 та ўқув маркази, Сержантлар тайёрлаш олий мактаби ҳамда авиация ва учувчисиз учуш аппаратлари мутахассисларини тайёрлаш марказларини ўз ичига олади. Бу кенг қамровли тузилма турли даражадаги мутахассисларнинг сифатли, тизимли ва узлуксиз тайёрлаш-шини таъминлайди.

Таъкидлаш лозимки, ҳарбий таълим мазмуни қайта кўриб чиқилиб, кафедлар сони 59 тадан 47 тага қисқартрилди. Бу қарор ресурсларни оқилона тақсимлаш, таълим сифатини ошириш ва йўналишларни қайта шакллантиришга хизмат қилмоқда. Соҳада 50/50 дуал таълим тизими жорий этилди. Шунингдек, 7 босқичли узлуксиз тайёрлаш ва ўқитиш тизими, «2+2» моделида тор доирадаги мутахассисликлар бўйича ўқитиш ҳамда битирувчиларга фўқаролик ва ҳарбий касбга мўлжалланган диплом бериш амалиёти кадрлар тайёрлаш самарадорлигини янада оширди.

Миллий кадрларнинг хорижда малякасини ошириш ҳам устувор вазифага айланган. Шу боис Ўзбекистон ҳарбий хизматчилари ўндан ортиқ мамлакатлардаги нуфузли ҳарбий таълим муассасаларида тажриба орттириб, замонавий уруш тактикаси, бошқарув ва командирлик маҳорати, соҳавий билимлар ва ҳарбий дипломатия кўникмаларини бойитмоқда. Ва бу саъй-ҳаракатлар мамлакатимизда ҳарбий мутахассисларни замонавий ва стратегик фикрлай оладиган кадрлар бўлиб етишишида муҳим омил бўлмоқда.



Очқ парламент



Сарҳисоб ва режалар:

АСОСИЙ МАҚСАД – АҲОЛИМИЗ МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛИШ

Январь ойида Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги барча сиёсий партиялар фракциялари ҳамда қўмиталар томонидан 2025 йил сарҳисоби ҳамда жорий йилдаги устувор вазифаларга бағишланган янги интерфаол ва креатив форматдаги очиқ мулоқотлар ўтказилмоқда.

Уларда Президентимизнинг 2024 йил ноябрь ойида Олий Мажлис палаталарида сўзлаган нутқи ва Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгаш йиғилишида белгиланган вазифалар, парламент ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасидан келиб чиқиб амалга ошириладиган ишлар, шунингдек, фракция аъзолари ташаббуси билан қабул қилинган халқчил қонунларнинг аҳамиятига алоҳида эътибор қаратиляпти.

Қонунчилик палатасидаги Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси томонидан ташкил этилган очиқ мулоқотда ҳам фракциянинг 2025 йилдаги фаолияти юзасидан журналистларга ахборот берилди.

Таъкидланганидек, ўтган йилда фракция давлат раҳбарининг Қонунчилик палатаси мажлисларидаги нутқлари ҳамда сайловолди дастурида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда электорат манфаатларини ҳимоя қилиш, тадбиркорлар ҳуқуқларини таъминлаш, ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини янада яхшилаш, иқтисодий соҳадаги ислохотларни қўллаб-қувватлаш ҳамда соҳанинг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштиришга устувор аҳамият қаратди.

Ўтган йили Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси биргаликда «Тараққиёт блоқи»ни тузди. Парламентдаги кўпчиликни ташкил этган ушбу блок фракциялар ўртасидаги ҳамкорлиқни янги босқичга олиб чиқди.

«Тараққиёт блоқи»нинг ташкил этилиши қонун ижодкорлиги жараёнларида ўзаро мувофиқлашувни кучайтириш, иқтисодий ислохотларни қўллаб-қувватловчи қонун лойиҳаларини тизимли илгари суриш, тадбиркорлик, хусусий мулк, инвестиция, рақобат муҳитини ривожлантиришга қаратилган ташаббусларни бирлаштириш имконини берди.

Мазкур блок доирасида фракциялар ўртасида доимий маслаҳатлашув механизми йўлга қўйилиб, қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш, уларни такомиллаштириш ҳамда парламент назорати тадбирларини амалга оширишда ўзаро ҳамжихатлик таъминланмоқда. Бу эса партияларнинг дастурий мақсад ва вазифаларини самарали амалга оширишга хизмат қилляпти.



ИЛМИЙ САЛОҲИЯТ ВА ТАРАҚҚИЁТГА УНДОВЧИ ДАЪВАТ

Давлатимиз раҳбарининг ўтган йили 26 декабрь кунли Олий Мажлиси ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномаси мамлакат тараққиётининг ҳозирги босқичи, амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳияти ҳамда келгуси йиллар учун белгиланган устувор вазифаларни аниқ ифодалаб берувчи муҳим сиёсий-стратегик дастурдир. Унда юртимизда сўнгги йиллардаги янгиланишлар декларатив шiorлар доирасида қолиб кетмасдан, аниқ амалий натижалар билан ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани алоҳида таъкидланди. Масалан, биргина таълим ҳамда соғлиқни сақлаш соҳаларида амалга оширилаётган тизимли ўзгаришлар натижасида мактаб, боғча ва шифохоналарнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланиб, аҳоли учун қулай ҳамда сифатли хизмат кўрсатиш шарт-шароитлари яратилди.

Нуктаи назар

Ўзгаришларнинг мантиқий давоми сифатида Тошкент давлат тиббиёт университети ташкил қилиниши миллий соғлиқни сақлаш тизимида мулқла янги академик ва институционал босқични бошлаб берди. Ушбу олий таълим муассасаси тиббиёт соҳасини рақамлаштириш, сунъий интеллект технологияларини жорий этиш, клиник амалиёт, таълим ва илмий тадқиқотларни ҳамбарчас боғлашга қаратилган замонавий университет модели сифатида шаклланди.

Университетнинг асосий мақсади — халқаро стандартларга жавоб берадиган, рақобатбардош, илмий тафаккурга эга ҳамда инновацион ёндашувларни қўллаб қўллаш оқори малакали тиббиёт кадрларини тайёрлашдир. Олий таълим муассасаси фаолиятида тиббиёт таълимни сунъий интеллект, рақамли диагностика, теле-тиббиёт ва биотехнологиялар билан интеграция қилиш устувор йўналиш сифатида белгиланган.

Шунингдек, олийгоҳ олдида қўйилган муҳим вазифалардан бири — клиник тадқиқотлар, инновацион даволаш усуллари ҳамда илмий ишланмаларни амалиётда қўллаш оқори миллий тиббиёт мактабини янги босқичга олиб чиқадан иборат. Бу эса нафақат ички эҳтиёжни қондириш, балки келгусида Ўзбекистонни Марказий Осиё микросида тиббиёт таълими, илмий тадқиқотлар ва юқори технологияли тиббиёт хизматлар марказига айлантиришга хизмат қилади.

Таълим ҳамда илм-фан уйғунлиги

Таълим ҳамда илм-фан билан уйғун ислохотлар туфайли туманларда тиббиёт йўналиши бўйича олий таълим муассасалари ташкил этилиб, малакали кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Бу эса тиббиёт ходимларига бўлган эҳтиёжни қоплаш, соҳа барқарорлигини таъминлаш ва хизмат сифатини оширишга кўмак бермоқда. Қувонарлиси, эндиликда соҳа вакиллари нафақат амалий фаолият билан, балки



илмий тадқиқот ишлари билан ҳам шуғулланишга, инновацион ёндашувларни жорий этишга интилаётганидир.

Албатта, уларнинг илм-фан ва тадқиқотга бўлган бундай интилиши тасодифий эмас. Бу, аввало, илм, таълим ва амалиётни ўзаро ҳамбарчас боғлашга қаратилган тизимли сиёсатнинг амалий натижасидир. Бугун соғлиқни сақлаш соҳасида фаолият юритаётган му-тахассис учун нафақат клиник тажриба, балки илмий тафаккур, тах-лилий ёндашув ва инновацион фикрлаш ҳам зарур касбий талабга айланмоқда. Бу эса тиббиёт хо-димларини янги билимлар эгаллашга, илмий тадқиқотлар олиб боришга ва замонавий тиббиёт тех-нологияларини жорий этишга унда-моқда.

Таъкидлаш жоизки, соҳадаги тиб-янгилашиллар соғлиқни сақлаш тизимини фақат хизмат кўрсатиш соҳаси сифатида эмас, балки илмий-инновацион тараққиётнинг муҳим драйверларидан бирига айлантиришга хизмат қилади. Келгуси йилларда тиббиёт соҳасида кли-ник тадқиқотлар қўламининг кен-гайиши, таълимнинг халқаро стан-дартлар асосида такомиллашиши, рақамли тиббиёт ва биотехноло-гиялар қўлланилиши кутилмоқда.

Бу эса нафақат аҳоли саломат-лигини мустаҳкамлаш, балки мам-лакатнинг илмий салоҳиятини оши-риш, интеллектуал капиталини бойитиш ва миллий тиббиёт мак-табини халқаро майдонда муносиб ўринга олиб чиқиш учун мус-тахкам замин яратади. Шу тариқа инсон қадрини энг олий қадрият сифатида белгиланган Ўзбе-кистон сиёсати доирасида тиб-биёт соҳасининг илмий асосда ри-вовжланиши узок муддатли барқа-рор тараққиётнинг муҳим омили сифатида намоён бўлиб, келажак

авлодлар саломатлиги ва фаровон ҳаётини таъминлашда муҳим ўрин тутаети.

Халқаро трансформация ва фармацевтика соҳаси истиқболлари

Мурожаатномада қайд этилгани-дек, Токио шахрида Марказий Осиё давлатлари ва Япония етак-чилари ўртасида бўлиб ўтган уч-рашув доирасида таълим, тиб-биёт, рақамли технологиялар, инфратузилма ҳамда саноат соҳа-лари бўйича қатор муҳим келишув-ларга эришилди. Бу давлатлар ўртасидаги стратегик шериклиқни янги босқичга олиб чиқишга қара-тилган бўлиб, илғор халқаро таж-рибаларни, инновацион ечимлар-ни амалиётга жорий этиш ва юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш учун мустаҳкам институционал асос яратишни кўзда тутаети. Айниқса, тиббиёт таълими ва соғлиқни сақ-лаш соҳасида рақамли трансфор-мация йўналишларидаги ҳамкорлик алоҳида аҳамият касб этмоқда.

“Таъкидлаш жоизки, соҳадаги тиб-янгилашиллар соғлиқни сақлаш тизимини фақат хизмат кўрсатиш соҳаси сифатида эмас, балки илмий-инновацион тараққиётнинг муҳим драйверларидан бирига айлантиришга хизмат қилади. Келгуси йилларда тиббиёт соҳасида клиник тадқиқотлар қўламининг кенгайиши, таълимнинг халқаро стандартлар асосида такомиллашиши, рақамли тиббиёт ва биотехнологиялар қўлланилиши кутилмоқда.”

Жадал ислохотлар тиббиёт таълим сифатини халқаро стандартлар даражасига кўтариш, клиник амали-ёт билан таълим ва илмий тадқи-қотларни интеграция қилиш, шу-нингдек, замонавий тиббиёт техно-логиялар ва инновацион диагнос-тика усуллари кенг жорий этиш имконини беради. Натижада аҳолига кўрсатилаётган тиббиёт хизматлар сифатини ошириш, соғлиқни сақлаш тизимининг са-марадорлигини кучайтириш ҳамда миллий тиббиётни глобал илмий маконга уйғунлаштиришга хизмат қилади.

Дарвоқе, инвестициявий ривож-ланиш ва фармацевтика соҳаси истиқболлари ҳақида ҳам қўллаб-қўллаш йўналиши бўлиши мумкин. Жорий йилда мамлакат иқтисоди-ётини технологик жиҳатдан янги-лаш, юқори қўшилган қиймат яратиш ҳамда инновацион тармоқ-ларни жадал ривожлантиришда муҳим босқич бўлиши кутилаётир. Давлат томонидан белгиланган ус-тувор йўналишлар доирасида са-ноатнинг турли тармоқларига йи-

рик ҳажмда инвестициялар жалб этилиши режалаштирилган. Хусу-сан, кимё, тоғ-кон металлургия, нефть-газ, автомобилсозлик, тўқи-мачилик ва бошқа етакчи саноат тармоқларига йирик ҳажмдаги инвестицияларни киритиш оқали янги ишлаб чиқариш қувватлари-ни яратиш кўзда тутилмоқда.

Айниқса, фармацевтика тармо-ғида 800 млн. долларлик янги лойиҳаларнинг бошланиши соғлиқ-ни сақлаш тизими ва миллий иқти-содиёт учун стратегик аҳамият касб этади. Мазкур инвестициялар маҳаллий дори воситалари ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш, импорт ўрнини босувчи ҳамда экспортбон маҳсулотлар турини кўпайтириш, биофармацевтика, клиник тадқиқотлар ва инновацион лабораториялар инфратузил-масини ривожлантиришга хизмат қилади.

Натижада фармацевтика соҳа-си аҳолини сифатли, хавфсиз ва арзон дори-дармонлар билан барқарор таъминлаш имкониятла-рини кенгайтириш билан бирга, иқтисодиётнинг инновацион ўсиш

қўшилган қийматга эга, экспортбон тармоқ даражасига кўтармоқда.

Эндиликда тиббиёт хизматлар, фармацевтика маҳсулотлари, ди-агностика, рақамли тиббиёт ечим-лари, меҳмонхона инфратузилма-си ва транспорт хизматларининг ўзаро уйғун ривожланиши муль-типликатив иқтисодий самарани таъминлайди. Натижада соғломла-шиш мақсадида четдан келатган хар бир меҳмон оқали нафақат соғлиқни сақлаш тизими, балки хизматлар сектори, кичик бизнес ва ҳудудий иқтисодиёт ҳам барқа-рор қўшимча даромад манбаига эга бўлади.

Хусусан, Марказий Осиё мам-лакатлари аҳолисининг менталите-ти, иқлим ҳамда турмуш тарзининг ўхшашлиги Ўзбекистонни соғлом-лаштириш ва даволашни макони сифатида жозибадор қилади. Бу ҳолат узок хорижий давлатларга қичим талаб қилувчи тиббиёт са-фарлар ўрнига яқин, арзон ва сифатли хизматларга асосланган минтақавий соғломлаштириш туризмни шакллантириш имкони-ни беради.

Ислохотлар билан уйғун ҳолда тиббиёт соҳасида келатган ўзга-ришлар энди фақат инфратузил-лани яхшилаш ёки хизматлар қа-ровини кенгайтириш билан чекла-ниб қолмасдан, бутун тизимни институционал жиҳатдан қайта шакллантиришга қаратилмоқда. Давлат, ҳусусий сектор ва таълим муассасалари ўртасидаги ҳамко-рликка асосланган экотизимли ёндашув қарор топиб, клиник ама-лиёт, тиббиёт таълим ҳамда илмий тадқиқотларнинг интеграцияси тиббиётни юқори самарадорликка эга стратегик соҳага айлантирмоқда.

Тизимга рақамли тиббиёт ҳамда сунъий интеллект технологиялари-нинг жорий этилиши тезкорлик ва самарадорлиқни таъминланмоқда. Электрон тиббиёт маълумотлар, интеллектуал диагностика, масо-фавий консултациялар ва рақам-ли бошқарув тизимлари тиббиёт хизматларининг шаффофлиги ва сифатини ошириб, соғлиқни сақ-лаш соҳасини юқори қўшимча қиймат яратадиган тармоқлар қаторига олиб чиқмоқда. Бу эса аҳолига сифатли тиббиёт хизмат-лар кўрсатиш даражасини кўтариш билан бирга, хизматлар экспорти-ни ва мамлакатнинг халқаро ими-жини янада мустаҳкамлайди.

Янги Ўзбекистон тиббиётини келатган институционал жадал ри-вовжланиш соғлиқни сақлаш тизимини ижтимоий соҳа доирасидан чиқариб, уни стратегик иқтисодий ҳамда илмий ресурс сифатида шакллантирмоқда. Инсон қадри, илм-фан ва инновация уйғунлигига таянган мазкур ёндашув мамлакатни Марказий Осиёда барқарор, рақобатбардош ҳамда юқори қўшимча қиймат яратадиган “тиббиёт хаби”га айлантириш учун мустаҳкам пойдевордир.

Шухрат БОЙМУРОДОВ,
Тошкент давлат тиббиёт университети ректори.

АСКАР ОНАЛАРИ ЭЪЗОЗЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 34 йиллиги ҳамда 14 январь — Ватан ҳимоячилари кунли муносабати билан Ўзун туманида “Аскар оналарини шарафлаймиз” мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Мазкур тадбир доирасида ҳарбий хизматни ўтаётган аскарларнинг ота-оналари билан учрашуви уюштирилиб, уларнинг ўз йигитлик бурчини ўташ жараёнида эришаётган ютуқлари ҳам намойиш этилди.

— Дунёда касблар қўл, аммо улар орасида энг шарафлиси ўз она Ватани ва халқининг тинчлиги учун хизмат қилишдир, — дейди Муниса Бердиева. — Ўғлим ҳарбий либосда, ўз йигитлик бурчини ўтаётганидан бахтиёрман. Ҳарбий қисмдаги шароитлар аъло даражада экан, асосийси, миллий армиямиз ёшлар учун мардлик ва шон-шараф мактабига айлангани тахсинга сазовор.

Фарзандининг жасур ва Ватанга содиқ ўғлон бўлиб камол топаётганини кўрган оналарнинг чекрасида қувонч, оталарнинг кўксига эса фахр-ифтихор туйғулари акс этди. Тадбир якунида фидойи ва юртпарвар ёшларни тарбиялаб воғна етказган оналарга савимий миннатдорлик билдирилди.

Ҳарбий оркестр ижросидаги жасорат ва мардлик, она Ватанини мадҳ этувчи қуйлар барчага кўтаринки қайфият бағишлади.

Фарҳод ЭСОНОВ
(«Халқ сўзи»).



FIDEнинг ўзбекистонлик энг ёш спорт устаси

Сарвиноз Бегмуратова Ўзбекистон шахмати тарихида аёллар ўртасидаги энг ёш FIDE спорт устаси сифатида тарихга кирди.



Юртдошимиз вице-чемпион!

Бутунжаҳон аёллар теннис уюшмаси ташаббуси билан Австралияда “Canberra Challenger” халқаро турнири бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон терма жамоаси аззоси Полина Кудерметова вице-чемпионга айланди.



Ҳамюртимиз яккалик беллашувларнинг финал баҳсида тайванлик Йоханна Гарландга қарши кортга чикди. Ушбу учрашувда ёш теннисчимизга бироз омад етишмади ва имкониятни бой берди. Шу тариқа, П. Кудерметова халқаро турнирнинг вице-чемпионига айланди ва 19 700 АҚШ доллари пул мукофоти ҳамда WTA рейтингининг 81 очкосига эга чикди. Йоханна эса чемпион сифатида 33 650 АҚШ доллари ва 125 очкони кўлга киритди.

Чавандозларимиз муваффақияти

БААнинг Абу-Дабби шаҳри от спорти бўйича энг нуфузли халқаро турнирлардан бири — “CSI 5*” (беш юлдузли)га мезбонлик қилди.



Айтиш жоизки, мазкур мусобақада фақат юқори рейтингга эга маҳоратли чавандозлар ўзаро беллашадди. Қувонарлиси, ушбу нуфузли беллашувда Баҳром-жон Ғозиев, Феруз Абдуллаев, Бекзод Қурбонов, Абду-рахмон Абдуллаев ва Акбар Шарипов каби маҳоратли чавандозлардан иборат Ўзбекистон терма жамоаси ҳам муносиб қатнашди.

Нуфузли мусобақада Бекзод Қурбонов иккинчи ўрин-ни эгаллади.

«Халқ сўзи».

Мардлар қўриқлайди Ватанни!

АЖДОДЛАР ЖАСОРАТИ АВЛОДЛАРГА ИБРАТ

Марказий ҳарбий округнинг Самарқанд гарнизонида 2017 йилда ҳарбий тарихий музей ташкил этилган. Бу ерга таширф буюрган кишининг қалбида юрт тақдирига дахлдорлик хисси жўш уриб, аждодларимизнинг жасорати, фидойилиги ўзига хос руҳий қувват бағишлайди. Бугун ҳарбийлару ёшларнинг сеvimли масканига айланган бу музей ватанпарварлик тарғиботининг энг самарали воситаларидан бирига айланган.

— Музей экспозициялари Амир Темури ва темирлар давридаги ҳарбий санъатга бағишланган бўлимлар билан бошланади, — дейди Марказий ҳарбий округ тарбиявий-мафқуравий ишлар бошқармаси бошлиғи Хамза Умаров. — Унда ўша давр жанговар аъёналари, қўмондонлик маҳорати, ҳарбий тартиб-қоидалар, қурол-яроғ ва ҳарбий аслахалар намуналари акс эттирилган.

Музейнинг алоҳида бўли-млари эса миллий армиямиз ва Ўзбекистон Республика-

си Қуролли Кучлари ташкил этилиши, ривожланиш босқичлари ва эришган ютуқларига бағишланган. Шу билан бирга, Марказий ҳарбий округ фаолияти, ҳарбий-тактик машғулотлар, халқаро ҳамкорлик, тинчлик-парварлик операциялари, замонавий ҳарбий техника-лар, ҳарбий хизматчилар-нинг фидойи меҳнати акс эттирувчи ҳужжатлар ва фо-тосуратлар жой олган.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 34 йиллиги ара-



фасида Тойлоқ туманидаги 21-умумтаълим мактаби ўқув-чилари ушбу музей фаолияти билан яқиндан танишди.

Замонавий талабларга мос равишда интерфол-тақдимотлар, виртуал экспозициялар, видеоархив билан жиҳозланган музейга экскурсия давомида ўқувчилар буюк аждодларимиз матона-

Абдуллазиз ЙЎЛДШЕВ
(«Халқ сўзи»).

Адлия вазирлиги томонидан ҳуқуқий саводхонликни оширишга қаратилган стартап лойиҳалар 50 миллион сўмгача молиялаштирилади.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 142. 31 016 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетани ҳақидаги маълумотларни юқлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.



ТАХРИРЯТГА КЕЛГАН ҚЎЛЭМЛАР ТАҚРИЗ ҚИЛИНМАЙДИ ВА МУАЛЛИҒА ҚАЙТАРИЛМАЙДИ.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаовбар.

Газета таҳририя компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100066,

Тошкент шаҳри,

Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — А. Алиқуллов.

Мусахҳиҳ — Ш. Машраббеов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:

Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.25 Топширилди — 23.25 1 2 3 4 5 6